O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
IV №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 11-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 145 (27.165) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎзХДП хабарлари

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ МАШВАРАТИ

2003 йилнинг 9 декабрь куни Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари сессияолди кенгашига йиғилдилар. Унда мамлакат парламентининг XIII сессияси билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашилди. Йиғилишни олиб борган фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик сессиянинг таклиф этилган кун тартиби ва унга тақдим этилаётган қонунлар лойиҳалари, фракция аъзоларининг уларни тайёрлашда иштироки тўғрисида сўзлаб берди. У, шунингдек, партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг бўлажак сессия ишида иштироки масаласини ҳар томонлама муҳокама қилганлиги ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан республика молия вазири ўринбосари Жамшид Қўчқоров келаси йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида фракция аъзоларига ахборот бериб, депутатларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Йиғилиш иштирокчилари мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга халақит бераётган муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, депутатлар банклар кредит ставкаларининг юқорилиги, амалдаги қатиқ пул-кредит сиёсати ва солиқлар баландлиги ишлаб чиқариш ривожига салбий таъсир кўрсатаётгани, бюджет соҳаси ходимлари маошлари ва нафақаларнинг вақтида тўламаслик ҳоллари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларини молиялаштиришдаги камчиликлар хусусида ҳам тўхталдилар.

Муҳокамаларда депутатлардан И.Бойжонов, А.Матвеев, А.Мелкумов ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғилишда қабул қилинган қарорда фракция аъзоларига Олий Мажлис XIII сессиясининг таклиф этилган кун тартиби ҳамда муҳокамага чиқарилаётган қонунлар лойиҳаларини, билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, маъқуллаш тавсия этилди. Шунингдек, фракция номидан сессияда сўзга чиқувчи депутатларнинг жамоавий тарзда ишлаб чиқилган ушбу ёндошувга амал қилишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

ПАРТИЯ НУҚТАИ НАЗАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Сиёсий ижроия қўмитасининг 2003 йил 9 декабрь куни Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борган йиғилишида **Олий Мажлиснинг жорий йил 11 декабрида ўз ишини бошлайдиган XIII сессияси кун тартибига киритиш учун таклиф қилинаётган масалалар ва тақдим этилган қонунлар лойиҳаларига партиянинг нуқтаи назарини** аниқлади.

Сиёсий ижроқўмнинг шу ҳақдаги ҳужжатида айтилишича, сессияда кўрилиши мўлжалланаётган масалалар ва қабул қилинажак қонунларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашда аҳамияти муҳимдир. Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашдилар. Бу ишда уларга МК Экспертлар ва Ишчи гуруҳлари ташкилий-ахборий ёрдам кўрсатдилар. Партия ташкилотлари қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини уюштириш, тушган таклифларни умумлаштириб, Марказий Кенгашга тақдим этиш ишларини амалга оширдилар.

МК Сиёсий ижроия қўмитаси шуларни инобатга олиб, партиянинг депутатлар фракциясига парламентнинг олдиндаги сессиясининг таклиф этилаётган кун тартибини ва муҳокамага чиқарилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини асосан маъқуллашни ҳамда ушбу нуқтаи назарни сессияда изчил ҳимоя қилишни тавсия этди.

Сиёсий ижроқўм қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти Олий Мажлис XIII сессияси ишини ва партия депутатлар фракцияси фаолиятини кенг ёритишни таъминлайди, партиянинг маҳаллий кенгашлари эса сессияда қабул қилинадиган қонунчилик ҳужжатларини ХДП аъзолари, аҳоли ўртасида тарғиб қилишни уюштирадилар.

Йиғилишда, шунингдек, **Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2004 йил учун обунанинг бориши ва уни яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирларни кўриш тўғрисидаги** масала ҳам муҳокама қилиниб, партия ташкилотлари ва таҳририятларнинг ушбу соҳадаги аниқ вазифалари белгиланди.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

2003 йилнинг 9 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида АҚШ Халқаро Муносабатлар Миллий Демократик Институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб ва мазкур Институт дастурлари директори Герам Саргсян қабул қилиндилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи, ХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари Изидор Кочмарик ва Аслиддин Рустамов иштирок этдилар.

Хабарларни ЎзХДП МК матбуот хизмати тайёрлади

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси бугун, 11 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 11 декабрь куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган мазкур йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.

Сессия кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Айниқса, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, қўмита томонидан сессия муҳокамасига тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилишга оид масалалар муҳокама этилди.

❖❖❖

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилги лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) бўйича марказий банк раисининг ўринбосари Р.Ғуломовнинг ахборотлари тингланди.

2004 йилда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий вазифалари аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда бюджет тизимининг самарали фаолияти ва ривожланиши негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат экани таъкидланди.

Келгуси йилда солиқ сиёсати солиқ юкини янада камайтириш, тизимни бошқаришни такомиллаштириш, солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришдан иқтисодий манфаатдорликни ошириш, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш, самарадорлигини ошириш ва бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилгани алоҳида қайд этилди.

❖❖❖

Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ

Жаҳон демократик тараққиёти меъёрларига жавоб берадиган Ўзбекистон Конституцияси миллий истиқлолнинг том маънодаги мевасидир. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганлиги туфайлигина халқимиз шундай Асосий Қонунга эгалик бахтига муяссар бўлди. У билан танишган ҳар бир киши, Конституциямизнинг демократия руҳи билан йўғрилганлигини, унда фуқароларнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари муҳрлаб қўйилганлигини кўриши муқаррар. Албатта, ушбу ҳақ-ҳуқуқлар, уларнинг ҳаётийлиги ўз тасдиғини амалда топгандагина, қадриятлар даражасига кўтарилиб, мамлакат, жамият, ҳар бир инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, буни таъминлаш нафақат давлат органлари, расмий идораларга, балки, фуқароларнинг ўзларига, уларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси, ўз ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга тайёрликлари ва ҳаттоки, бунинг учун курашда иштироклари билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат ватандошларимиз онгига тобора чуқурроқ сингмоқда.

Яқинда партиямизнинг Юнусобод туман кенгаши ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент давлат юридик институти ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими билан биргаликда ўтказган, «Ўзбекистон Конституцияси — демократия йўлидан бораётган мамлакатимизнинг Асосий Қонуни» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда шулар тўғрисида сўз юритилди. Анжуманда ҳозир бўлган партия фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари, ёшлар вакиллари ҳузурида Юнусобод туман партия кенгаши биринчи котиби У.Шойимқулов, тарих фанлари номзоди О.Бўриев, Тошкент давлат юридик институти доценти Х.Рўзметов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А.Рустамов, «Ўзбекистон мустақиллиги» номли маҳалла оқсоқоли Э.Худойбердиев ва бошқалар Конституцияга оид ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Улар, жумладан, ўзбек давлатчилиги, хусусан, темурийлар салтанатида қонунчилик, конституциявий ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўрни, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг демократик жараёнларга қўшаётган ҳиссаси, маҳаллаларда Асосий Қонунни тарғиб қилиш тажрибаси сингари долзарб масалаларга тўхталиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

Собир ШЕРАЛИЕВ

Анжуман

ОЛИМНИНГ ЙИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

Кеча Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида таниқли олим, ЎзРФА академиги, профессор Наби Мажидовнинг 75 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. «Неврологиянинг долзарб муаммолари» мавзуидаги ушбу анжуманда олимнинг илмий, педагогик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида сўз юритилди. Тиббиёт фани оламида юксак мақомга эришган бу табаррук инсон раҳбарлигида 50 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган, юзлаб амалиётчи врач-неврологлар етишиб чиққан. У 8 та илмий ихтиро, тиббиёт олий ўқув юртлари учун 4 та дарслик, 60 дан ортиқ услубий тавсиялар, тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган 40 та тематик тўплам, 500 дан зиёд илмий мақолалар муаллифидир.

Академик Наби Мажидов нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳур. У Америка, Польша, Болгария, Венгрия, Германия каби ўнлаб мамлакатларнинг невролог олимлари даврасида қизиқарли маърузалар қилган. АҚШнинг тиббиёт дорилфунуни клиникасида беморларни даволаган. Грецияда эса яшашдан бутунлай умидини узиб қўйган беморни даволаб, жаҳонга машҳур бўлди. Америка биография институти Н.Мажидовнинг тиббиёт фанига қўшган хизматларини тан олиб, унинг номини «Дунёдаги энг пешқадам 500 олим орасидан жой олган»лигини эълон қилиши ўзбекистонлик олим илмий фаолиятининг юксак эътирофидир.

Илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров қатнашди ва сўзга чиқди.

Бобо САРОЙ

МАДҲИЯ — ДАВЛАТ РАМЗИ, ХАЛҚ ОВОЗИ, ҒУРУРИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзи — мадҳиямиз бундан роппа-роса 11 йил муқаддам — 1992 йил 10 декабрь куни республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган эди. Шу сана муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида республика Маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда «Истиқлол, мадҳия ва миллий ғурур» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда санъатшунослар, ёзувчи-шоирлар, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мадҳиянинг миллатимиз, давлатимиз ҳаётида тутган муҳим ўрни, унинг муқаддаслиги, Ўзбекистон Республикаси халқининг миллий руҳини ўзида тўла акс эттира олганлиги, садафдек терилган 63 та сўз замирида теран, жуда теран маъно, катта мазмуний юк борлиги хусусида гапирилди. Унинг композицияси, бастакор маҳоратига ҳам юксак баҳо берилди.

Сўз Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, миллатимиз овози сўзларининг муаллифи Абдулла Ориповга берилганда, у киши мадҳиямизнинг вужудга келиш тарихи, сўзларни оҳангга солиш жараёнидаги воқеалар хусусида гапириб, шундай деди:

— Мен мадҳиямиз олдида оддий фуқароман. Гарчи мен унинг сўзларини ёзган, Мутал Бурхонов (худо раҳмат қилсин) эса мусиқасини басталаган бўлса-да, энди у шу халқ, шу миллат, шу давлатнинг мулки. Уни тинглаганда ҳамма қатори ҳаяжонланаман, қалбимда фахр, ифтихор, ғурур уйғонади...

Сўзга чиққан санъатшунослар мадҳия мусиқаси учун юксак бастакорлик маҳорати ишга солинганлиги, шунинг учун уни 7 ёшдан 70 ёшгача — барча бирдек ижро эта олиши мумкинлиги хусусида гапирдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

САМАРҚАНД БАХМАЛИНИНГ ЖИЛОСИ

Бахмал азалдан халқимизнинг миллий матоси ҳисобланган. Ўзбекнинг бирон тўйи йўққи, ундан фойдаланилмаса. Айниқса, бу майин ва сержило мато келинлар сарпосининг кўрки ҳисобланади.

Самарқанддаги «Бахмал» Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси жамоаси халқимизнинг ана шу матога бўлган эҳтиёжини қондириш борасида тинимсиз изланишда. Биргина жорий йилда корхонада 3 миллиард 200 миллион сўмлик 12 турдаги бахмал матолари тайёрланганлиги бунга мисол бўла олади.

Ҳозирда корхона салоҳиятини ошириш борасида ҳам қатор юмушлар қилинмоқда. Яқинда корхона раҳбари Даврон Аҳроров Германиянинг Дрезден шаҳрида бўлиб қайтди. У ерда германиялик ишбилармонлар билан замонавий технология олиб келиш ва яқиндан ҳамкорлик қилиш борасида музокаралар олиб борди.

Суратларда: корхона ишчиси Фотима Холбўтаева тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда; калава тайёрлаш цехи устаси (ўнгда) Маҳмуд Ҳақбердиев ишчилар билан.

Тоҳир НОРҚУЛОВ, (ЎзА) олган суратлар.

Муносабат

ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Ўтган 12 йил давомида мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида эришилган ютуқларни, тўпланган тажрибаларни дунё кўриб, эътироф этиб турибди. Кўп соҳалар бўйича МДҲ ўртасида биринчи бўлиб ўз йўлимизни белгилаб, дунё тажрибасида кўрилмаган моделларни яратдик. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали соғлом, иродали, ватанпарвар авлодни тарбиялаш тизими ҳам ўзига хослиги билан кўп мамлакатлар эътиборини тортмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу борада Президентимизнинг қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Роппа-роса бир йил муқаддам Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Мамлакатимизда болалар спортини оммавийлаштириш ҳаракати тобора авж олмоқда.

Яқинда эса республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Қарорда спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ... ёшларга спортнинг аҳамиятини очиб бериш... борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётгани таъкидланди.

Мазкур қарорнинг эълон қилиниши спорт журналистларини ҳаяжонлантирди, хурсанд этди, айни чоғда уларга катта масъулият юклади. Ушбу қарорни аввало ОАВ, хусусан, спорт журналистлари зиммасига юклатилган муҳим вазифа, қолаверса, уларга билдирилган катта ишонч деб баҳоласак, тўғрироқ бўлади.

«Оммавий спорт тарғиботини янада кўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда билдирилган вазифалар спорт журналистларида қандай фикр-мулоҳаза, режаларни уйғотди?

Таҳририятимизда бир гуруҳ таниқли спорт журналистлари иштирокида ўтган давра суҳбати ана шу масалаларга бағишланди.

Газетамиз Бош муҳаррири Сафар Остонов спорт мавзуини ёритишдаги юзакичилик, бирёқламалик, билимсизлик сабаблари ҳақида гапириб, давра суҳбати иштирокчилари эътиборини қилинадиган ишлар, режалар ва таклиф-мулоҳазаларга қаратди.

4-бет

МЕҲР

Бир бола чинқириб йиғларди чунон,
Уни юпатолмай кўнгилчак гирён.
У қайсар ҳеч кимга қулоқ солмади,
Бошин силашганди — тинчиди шу он.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил, 10 декабрь

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Муносабат

ЯХШИЛИК ГУЛИН ТЕРАЙЛИК

Тўғрисини айтсам, мен Президентнинг меҳр-мурувват ҳақидаги гапларидан қаттиқ таъсирландим. Одамларнинг кўнглидаги гаплар топиб айтилди. Ислом динимиз ғояларига, маънавиятимизга, миллий қадриятларимизга, ота-боболаримиз васиятларига, бугунги ҳаётимиз талабларига мос гаплар бўлди. Ҳар биримиз меҳр-мурувватли бўлишимиз керак. Меҳр ва мурувват ҳар куни, ҳамиша керак. Шундагина орамизда ўксиган қалблар, муҳтож инсонлар, ўринсиз кўнгил хираликлар бўлмайди. Назаримда меҳр-мурувват жамиятимизнинг қиёфасини ва ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Ҳадисда меҳр-мурувват ҳақида шундай дейилади: «Кимки бир мўминни шу дунёдаги бирор ташвишидан халос этса, Тангри унинг охиратдаги ташвишларидан халос этади. Кимки бечораҳол кишига ёрдам берса, Тангри унга икки дунёда ёрдам беради. Кимки бир мўминнинг айбини ёпса, Тангри унинг икки дунёдаги айбларини ёпади. Банда бировнинг ёрдами учун ҳаракат қилар экан, Тангри ҳам унинг ёрдамида бўлаверади». Ана шундан келиб чиқиб, Президент эълон қилган Меҳр ва мурувват йилининг аҳамиятини, қадр-қимматини, улуғворлигини, савобга бойлигини баҳолаш мумкин. Биз энди сахийлик ва меҳр-оқибат, бошқа одамийлик хислатларимиз билан савобдан қуруқ қолмаслигимиз керак. Биз энди эътиборга ва меҳр-шафқатга муҳтож бўлган инсонларга, яъни ногиронларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, кўп болали оилаларга, кексаларга, ёлғиз одамларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишимиз зарур. Биз энди бойлигимизни, топган пулларимизни, оиламиз харажатидан ортганини фақат савоб ишларга сарфлашимиз керак. Биз энди халқнинг ўртасида меҳр-оқибат ва хайр-эҳсон уруғини сочиб, жамиятни бирлаштиришимиз ва ҳаётимизни фаровон қилишимиз зарур. Меҳр ва мурувват йилининг масъулияти ана шундай.

Бизнинг юртимиз улуғ инсонлар — авлиёлар, алломалар, олимлар, фозиллар юрти. Улар халқнинг орасида меҳр ва мурувватни тарғиб қилиш билан бирга, бу борада ўзлари ибрат кўрсатдилар. Улар қолдирган бой маънавий мерос эса ўтган авлодларимиз қалбини ёғдудек ёритиб келди, ҳозир ҳам ёритмоқда, бундан кейин ҳам ёритади. Уларнинг меҳр-мурувват ҳақидаги сўзлари ҳамон пурҳикмат маъно касб этади. Чунончи, Носир Хисрав: «Тутгил қариларнинг қалтироқ қўлин» деса, Ҳофиз Шерозий: «Меҳр уруғин экмаган термас яхшилик гулин» дейди. Илоё, бизга меҳр ва мурувват йилида яхшилик гулини териш насиб этсин.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари

ИЖОДИ ҲАМ, ҲАЁТИ ҲАМ МАКТАБ

Ўрта мактабнинг қуйи синфларида ўқиётган пайтимда тасодифан қўлимга 1944 йилда нашр этилган «Армуғон» номли альманах тушиб қолган эди. Унда Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» пьесаларидан парчалар эълон қилинган бўлиб, бошқа асарларнинг мавзулари ҳам ватанпарварлик ва қаҳрамонликка бағишланган эди.

Отам урушда ҳалок бўлгани учун бу мавзу менга азиз туюларди. Ўша китобда Шуҳрат аканинг «Мен тирик» сарлавҳали шеъри жуда ёқиб қолди. Билмадим, оҳангидаги жанговарликми ёки руҳдаги тетиклик ром этдими эллик йил бўлибдики, унинг мисраларини такрорлаб юраман:

Жанг йўли хилма-хил, билсанг, онажон,
Гоҳ ҳужум қиласан рўбарўсидан.
Гоҳ ғаним ортида юриб кўп замон
Ҳужжатлар йиғасан қонли изидан.

Мен ўғлинг, Гуломжон, тирикман, салом!
Салом, эй, муштипар, меҳрибон она!
Салом, эй, дардимда ҳар узун оқшом
Ғам-ғурбат шамида куйган парвона.

Салом, эй, давлатим, муҳтарам ота,
Хатимни ўқисанг дардинг енгилар,
Салом, эй, бир қалбдан бахтин талашиб
Тунилган жонажон, эрка сингиллар!

Эллигинчи йилларнинг охирларида ўрта мактабни энгигина тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш мақсадида Тошкентга келган, мен каби адабий ижодга иштиёқманд ёшлар учун ҳар бир шоир ва ёзувчи билан кўришиш, суҳбатига муяссар бўлиш катта бахт туюларди. Тўғриси, айрим таниқли ёзувчилар бизга бироз беписандроқ қарар, яна бировлар сўзлашишга вақт топа олмас, бошқа бир хилларининг салобати ўзидан итарар эди.

Шуҳрат аканинг ёқимтой чеҳраси, биринчи гаплашгандаёқ ўз фарзанди ёки жигаридай кўриб сенлаб гаплашиши одамни ром этарди.

Ҳолбуки, ўша олтмишинчи йилларда Шуҳрат ака ўз тенгдошлари орасида сермаҳсул шоир ва адиб бўлибгина қолмай, адабий жараёнда фаол иштирок этар, айни пайтда дарёдай оқиб келаётган қўлёзмалар ва мактубларни ўқишга ҳам, ёшлар билан суҳбатлашишга ҳам вақт топар эди.

Баъзан ўйлаб қоламан: ижодкор ҳаётда қандай бўлиши керак?..

Суҳбатида самимий руҳ, қалбида одамларга меҳр, юз-кўзларида нур, заковат акс этган ижодкорга ёшлар интилади. Унга ўхшашга ҳаракат қилади. Бундай ижодкорларни халқ эъзозлайди, унутмайди. Шуҳрат ака биз учун ана шундай одам эди. Ҳаёти ҳам, ижоди ҳам мактаб эди. Ҳолбуки, у пайтда биз талабалар бу мўътабар зотнинг бошига тушган ғавғолардан бехабар эдик. Бу ҳақда мен биринчи бор устоз адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод ака Шарафиддиновдан эшитганман. Эллигинчи йиллар бошларида Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло ва бошқалар қатори «миллатчи» деган тамға билан қамалиб чиқанини ҳам, озодликка чиқач, бу кўргиликлар айбдорини қидириб умр ўтказмай ижодий ишга қаттиқ киришиб кетганларини ҳам у киши айтиб берган эдилар.

Шуҳрат ака ҳаётнинг ана шундай қаттиқ синовларидан ўтган бўлишига қарамай унинг шеъриятида нолиш оҳанги сезилмас, аксинча қисқа қўшиқ бўлиб кетадиган ишқий мавзудаги шеърлари билан ҳам, фалсафий умумлашмалар чиқарган шеърлари билан ҳам турли ёшдаги шеърхонлар қалбига кириб борар эди.

Кел, кел, жоним, бўстонимга
Бўстон эмас ўз ёнимга.
Ишинг мени мафтун этмиш
Жабр қилма ёш жонимга

ёки:

Эшикка чоп, йиғлаб ўтган ким?
Кўлидан тут, кўнглини кўтар.
Илиқ сўзлар ғамни даф этар,
«Ким ўзи» деб сўрма гўдагим.

Ким ўртаниб йиғлай олади
Ахир ўлим, инсондан бошқа!
Инсон дардин инсондан бошқа
Ким ҳам уқиб англай олади.

... Эшикка чоп, йиғлаб ўтган ким?

Бундай мисралар қалбингиз дарвозасини чертмай, ўзи кириб бориб, макон топади ундан.

Ўша йилларда ўзбек шеъриятида туркумлар пайдо бўла бошлади. Устоз Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари», Мамарасул Бобоевнинг «Эрон дафтари», Султон Акбарийнинг «Табассум ва кўз ёшлари» каби туркумлари орасида Шуҳрат аканинг «Кавказ дафтари» алоҳида ажралиб турарди. Бу туркумга кирган шеърларда Озар, Гуржи, Арман халқларининг ўзига хос табиати, бу ўлкалар таровати, тарихи бадиий ифодасини топган эди. Айни пайтда шоир ўз қалб кечинмаларини ҳам турли муносабат билан қоғозга туширган эди.

Чуст дўппи! Мен сени ардоқлаб кийиб,
Кавказ шаҳарларин қилдим томоша.
Мезбонлар қарашди қизиқиб, суюб
Юртимни эслатиб турдинг ҳамиша...

Шоир мухтасар лирик шеърлар билан бирга қатор балладалар, достонлар ҳам ёзган. Унинг шеъриятдаги салоҳият ва салобати бир олам. Шеъриятда воқеабандликка етаклаган баллада ва достонлар шоир иқтидорининг янги қиррасини очишга йирик насрий палотнолар яратишга замин бўлди.

Адиб ижодий меросида ҳам, ўзбек насри тарихида ҳам бебаҳо ўрин тутган «Шинелли йиллар», «Олтин занғламас», «Жаннат қидирганлар» романлари, «Бир кеча фожиаси» қиссаси, «Беш кунлик куёв», «Қўша қаринглар» каби саҳна асарлари дунёга келган пайтда ҳам, ҳозир ҳам адабиётшуносларнинг тадқиқот объекти, ўқувчиларнинг севимли асарлари бўлиб қолди.

Шуҳрат ака иқтидорли шоир ва адиб, ёшларнинг меҳрибон устозигина бўлиб қолмай, бой ҳаётий тажрибага эга инсон, атрофига дарров одамлар жамланадиган ташкилотчи, яхшилигини, хизматини, ғамхўрлигини ҳеч кимдан дариғ тутмайдиган, самимий маслаҳати ва кўнгил кўтарувчи суҳбати билан дилларни қувонтирадиган одам эди.

Буюк Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг сўнгги кунларида уни Москвага чорлаб юрагида чўкиб ётган армонларини айтиши, ҳатто ўз жасадини Тошкентга олиб кетишни унга ишониши замирида ҳам бу зотга нисбатан катта ҳурмат ётибди. Раҳматлик Восит Саъдулла ёзувчилар боғида кўп вақт ижод қилиб яшар ва чарчаган ёки бирор нарсадан ранжиган пайтларида «бир Шуҳрат билан дардлашиб келай» деб шаҳарга йўл олиши ҳам унга суяниш мумкинлиги ифодаси эди.

1979 йилда шоир ва арбоб Ҳайитбой Азимий (Азимов) 50 ёшга тўлди. Устоз Шуҳрат Саид Аҳмад ака билан Ёзувчилар уюшмаси вакиллари сифатида уч кун давомида унинг тадбирларида иштирок этиб, руҳини кўтарди.

Академик Матёқуб Қўшжонов ўзининг Тошкентда ўтказилган биринчи тўйида бутун ташкилий ишларини Шуҳрат ака зиммасига олганини миннатдорлик билан эслайди. Ёки шоир ва адиб Сайёрнинг, бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг нафақат ижодий, балки инсоний тақдирига дахлдорлиги кечагидай эсимда.

Шуҳрат ака, ҳар бир адабий тадбирда ёшлар ижодига алоҳида эътибор берар эди. У киши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бош маслаҳатчиси, «Шарқ юлдузи» журналининг масъул котиби сифатида ҳам қайноқ самимият билан ёшларни қўллаб-қувватлади. Уларнинг ижодини кузатиб борди.

Бундай илтифотдан камина ҳам бебаҳра қолмаганман. 1965 йилнинг кузида Тошкентда Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг анъанавий семинари бўлди. Мен Узоқ Шаркда — Тинч океан флотида ҳарбий хизматда эдим. Шоиримиз Азиз Абдураззоқ ташаббуси ҳамда ўша пайтда уюшма раҳбарларидан бири бўлган раҳматлик Асқад аканинг қўмондонликка ёзган мактублари туфайли ушбу семинарга етиб келдим. Семинарнинг шеърият қисмини Шуҳрат ака билан Саида опалар бошқаришаётган экан.

Семинарда қўлёзма муҳокама қилинди ва Шуҳрат аканинг таклифлари билан нашрга тавсия этилди. Биринчи китоби нашрга тавсия қилинган ёш шоир ҳолатини бугун тасаввур қилиш қийин.

Шуҳрат ака, ниҳоятда фаришталидай инсон эди: гапни букмай, хаспўшламай, жон куйдириб гапирар, айни пайтда ана шу оҳангдаги самимиятдан одам енгил тортар эди. Кейинчалик Наманганда ишлаб юрган пайтларимда ҳам у кишининг меҳрини, кузатиб турганлигини ҳис этдим.

70-йилларнинг ўрталарида Андижонда Яшин аканинг 60 йиллик тўйлари нишонланди. Нимагадир бу тўй адиб 65 га кирганда бўлган эди. Намангандан бир гуруҳ қаламкашлар тўй ўтадиган жойга — вилоят театрига келдик. Пойтахтдан келган меҳмонлар орасида Шуҳрат ака ҳам бор эдилар. Кўришиб, салом-алик қилишимиз билан сўраб қолдилар:

— Ижодлар қалай?

— Машқ қилиб турибмиз, — дедим, имтиҳон топшираётган талабадай.

— Машқларинг жуда чўзилиб кетдида... Умр кутиб турмайди, отни қамчилаш керак, — дедилар Шуҳрат ака ўзларига хос кескин ва талабчан оҳангда.

Бу суҳбат мени ҳушёр торттирди. Фаоллашишга, республика матбуотида мунтазам кўриниб туришга даъват этди. Кейинчалик Шуҳрат ака ўзининг «Лирика» туркумида чиққан китобига шундай дастхат ёзди:

«Мен ижодидан умидвор бўлган шоир Ҳабиб Саъдулланинг нурли уфқларига кўз тикиб, автордан.
Шуҳрат. /Имзо/ 27.5.76.»

Бундан чорак аср муқаддам устоз олтмиш ёшга тўлишлари муносабати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, шоир Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, ўғиллари Фикрат ҳамроҳлигида Наманганга келишди. Туманларда, шаҳарда ажойиб адабий давралар бўлди. Биз шогирдлар устозимиз билан қанчалик фахрлансак, устоз ҳар бир учрашувда бизнинг руҳимизни кўтарар эдилар. Ўшанда Муҳаммад Али бир тўртлик ёзганди.

Юзга кириng, кўрайлик,
Гап шу Шуҳрат домулло.
Имзо чекдик И.Раҳим,
М.Али, О.Абдулло.

Мен қўшдим:

Ўшанда ҳам қиличдай
Кескир тургайсиз, илло,
Кўриб кувониб юргай
Фикрат, Ҳабиб Саъдулло.

8.VI.78. Наманган.

Шуҳрат ака тирик бўлганда саксон бешга тўларди, афсус...

Устоз ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўз тенгдошлари орасида энг кўп кўрган адиб эди. Бунинг устига умрининг сўнгги йилларида оғир хасталикка чалинди...

Бугун унинг ғамгин ва ночор, иложсиз ва бемор кунларини эслашдан кўра, бахтли лаҳзаларни эслаш ва шу билан руҳини шод этиш маъқул.

Муҳтарам Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган азиз сиймолар қаторида Шуҳрат аканинг борлиги ва бу юксак мукофотни давлатимиз раҳбари ўзлари шоирнинг фарзанди Фикрат Алимовга топширганлари у мўътабар зотнинг руҳини шод этгани, шубҳасиз.

Ана шу олий мукофот муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов раислигида ўтган хотира кечасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Озод ака Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Шуҳрат аканинг сафдошлари Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Мирмуҳсин, Матёқуб Қўшжонов, шоирлар Ҳалима Худойбердиева, Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар сўзга чиқиб устознинг фазилатларини яна бир бор ёд этишди, унга бағишлаган шеърларини ўқишди.

Унинг хотира кечасида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза бугунги ижод аҳлини аҳилликка, фаолликка, инсоний қадр-қимматни юксак тутишга даъват этиши билан ҳам сабоқ бўлди. Бу анжуманда ўтириб хаёлимдан яна кўп гаплар ўтди. Ва шундай хулосага келдим: бағрикенгликми, меҳр ва мурувватми биз Шуҳрат акага ўхшаш устозлардан ўрганишимиз зарур. Кўнгилдан яна бир армон ўтади: қанийди, ҳар биримизга ҳам ана шундай юксак инсоний фазилатлар ҳамроҳ бўлса...

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Долзарб мавзу

ҲАЛОЛ ТОПИЛГАН БОЙЛИК БАРАКАЛИДИР

Давлат хазинасига тушаётган ҳар бир сўм мамлакат қудрати ва халқ манфаати йўлида сарфланади. Аксинча, даромадларни яшириш, нақд пул топширишдан бўйин товлаш, белгиланган ҳуқуқий мезонларни бузиш ҳоллари мамлакат иқтисодиёти, эл фаравонлигига катта зиён етказади.

Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Илҳом НЕГМАТОВ билан суҳбат шу масалалар хусусида бўлди.

— «Иш ҳақлари ўз вақтида берилмаяпти», «банкда нақд пул кам эмиш» деган эътирозларни эшитиб қоламиз. Ахир, бозору дўконларда савдо қизиётган бўлса муомаладаги пуллар қаерга кетаяпти? Устама қўйиб қарзга пул бераётган «судхўрлар» кўпайиб бораётганини ҳам эшитиб, билиб турибмиз.

— Саволингизга иккита оддий мисолни келтириш орқали жавоб беришга ҳаракат қиламан. Яккабоғ туманидаги «Ҳамроҳ-Бизнес» хусусий савдо фирмаси раҳбари А.Маматов ва иш юритувчи Б.Жалоловлар Тошкент шаҳридаги «Туркистон» хусусий банки ва шароб сотувчи базалар билан тил бириктиришади. Спиртли ичимликларни сотишга махсус рухсатнома ва турғун савдо дўкони бўлмасдан туриб, пул кўчириш йўли билан 930545000 сўмлик маҳсулот олиб келишади. Уни сотишдан тушган 5295000 сўмни банкка топширишади. Қолган 925 миллион 250 минг сўм нақд пулни ўзларида қолдиришади. Эътибор беринг, банкка битта хусусий фирманинг биргина савдо фаолиятининг ўзидан бир миллиардга яқин нақд пул тушмай қолаяпти. «Ҳамроҳ-Бизнес»га ўхшаган фирмалар Яккабоғ туманида озмунча дейсизми? Энди буни вилоят миқёсида олиб кўринг-чи!

Иккинчи мисол: 2003 йилнинг 13 январида якка тартибдаги тадбиркор Бахтиёр ўғли Азизбекнинг савдо-воситачилик фаолияти текширилганда антиқа манзара кўзга ташланди. У спиртли ичимликларни улгуржи сотиш билан шуғулланиб келган. Ҳисоб рақамини «Тадбиркорбанк»нинг Китоб туман бўлимида очган. 2002 йилнинг январь-декабрь ойлари оралиғида банк орқали 4 миллиард 501 миллион 912 минг сўмликдан ошиқ савдо фаолиятини амалга оширади. Шундан 1 миллиард 890 миллион 327 минг сўмликдан ошиқ спиртли ичимликни пул кўчириш йўли билан олади. Савдодан тушган 2 миллиард 356 миллион 872 минг сўм эса касса назорат машинасидан ўтказилмайди. Бунинг устига 1 миллион 147 минг сўмдан зиёд солиқни тўлашдан бош тортган. Мана, сизга нақд пуллар айрим ҳолларда қаерда айланаётганига аниқ мисол.

— Боскичма-боскич, ниҳоят, валютани эркин алмаштиришга ҳам эришилди. Лекин назаримда бу борада ҳали муаммолар тўла ҳал этилган, деб бўлмаса керак. Масалан, валютани алмаштириш шахобчалари вилоятимизда тўла ишлаётгани йўқ. Ўз навбатида «қора бозор» ишлаб турибди.

— Афсуски, қонун ва белгиланган тартибларни четлаб ўтиб, хорижий валюта алмаштиришни «касб» қилганларга ҳозир ҳам дуч келиш мумкин. Шу йилнинг ўтган ўн ойида бу борада 25 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 21 та жиноий ва 4 та маъмурий иш қўзғатилди. Қонунбузарлардан 19 972 АҚШ доллари, 8450 Россия рубли, 336 минг сўм пул ва қиймати 700 АҚШ долларига тенг товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Айни шундай жиноятларни содир қилганлардан Шаҳрисабз туманида яшовчи У.Муродов 1000 АҚШ долларини 1 миллион 80 минг сўмга, Муборак туманида яшовчи Д.Тўрақулова 500 АҚШ долларини 571 минг сўмга, қаршилик Ш.Халилов 3500 АҚШ долларини 3902500 сўмга сотаётганда фош қилинди. Улар билмай ёки кун ўтмагандан жиноятга қўл уришганми? Асло. Масалан, Шуҳрат Халилов олий маълумотли иқтисодчи. Ўз ихтисоси бўйича ишлаши, ҳалол кун кечириши мумкин эди. Енгил йўлни ҳам, муқаррар жазони ҳам унинг ўзи танлаган. Ана шуниси кишини ачинтиради.

Шу ўринда масаланинг сиз айтган томони ҳам бор. Айни пайтда вилоятда 61 та хорижий валюта алмаштириш шахобчаси рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 12 тасигина фаолият кўрсатаяпти, холос. Бунинг устига айни одамлар бозор-ўчарга кўп чиқадиган шанба-якшанба кунлари улар ишламайди. Демак, банкларнинг масъулиятини ошириш, хорижий валюта алмаштиришни тартибли уюштириш ҳам долзарб бўлиб турибди.

— Бир танишим «сигарет сотиш ҳам яширин иқтисодиётми, катта жиноятлар кўпку», дея эътироз билдирганди. Ёки жувозкашларни тергашнинг нима ҳожати бор. Улар маҳсулот кўпайишига кўмак беришмаяптими? Шулар ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдим.

— Таассуфки, бундай фикрларни тез-тез эшитиб турибмиз. Аввало, тадбиркорлик ва савдо йўлида ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Мустақиллик туфайли бозор ва дўконларимизда жаҳоннинг турли давлатларида тайёрланган маҳсулот ва буюмлар эркин сотилаяпти. Савдогарларимиз ҳам, давлат ва жамият ҳам эркин савдодан манфаатдор. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-қарорида бу фаолиятнинг ҳуқуқий мезонлари белгилаб берилган.

Ҳамма бу тартибларга бирдек амал қилса, қандай соз. Лекин бўйинлари бунга ён бермайдиганлар бор-да. Масалан, Қарши шаҳридаги 2529-автожамланма ҳайдовчиси Ш.Қиличев Туркманистон давлати чегарасидаги божхонани четлаб ўтиб, бир неча бор катта миқдордаги ноқонуний тамаки маҳсулотлари ташиганлиги ҳақида тезкор хабар тушганди. Божхона ва бошқармамиз ходимлари жиноятнинг изига тушишди. Бу иш билан Эргаш ва Ўткир Сувоновлар, А.Абдуғаниев, А.Тўраевлар шуғулланишаётган экан. Натижада хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркаси бўлмаган, ноқонуний келтирилган 17348000 сўмлик тамаки маҳсулотлари, «ЗиЛ-130» русумли юк машинаси ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи И.Раҳматовдан эса хорижда ишлаб чиқарилган, сифат сертификатига эга бўлмаган, ҳужжатсиз 1280000 сўмлик телевизорлар олиб қўйилди. Ҳали «сигарет ҳам яширин иқтисодиётми» дедингиз-а? Ўтган даврда 170 миллион сўмлик ноқонуний келтирилган товарлар мусодара қилинган бўлса, шунинг қарийб 45 миллион сўми сигаретлардир. Акциз маркасиз, сифатига кафолат йўқ сигаретлар!

Мойжувоз ва уйларда истеъмол ёғи ишлаб чиқариш бораларо бехабарлар. Чигит ёғи фақатгина мураккаб технологик ишлов билан заҳарли моддалардан ҳоли қилинади.

Одамларни заҳарлаётган ёғларни истеъмолга бемалол қўйиб юбориш мумкин, деб ўйлайсизми? Бу одамларни заҳарлаш учун «оқ йўл» дегани эмасми? Масаланинг бу бир томони. Мени яна бир нарса қизиқтиради: улар чигитни қаердан олишаяпти?! Масалан, Қарши шаҳрида истиқомат қилаётган Д.Эрназаровнинг уйидан 870 килограмм, Чироқчи туманидаги «Чиял» хўжалигида яшаётган, яширин цех очиб олган И.Абдуғаффоровнинг уйидан 96 тонна чигит топилди.

— Хўш, улар чигитни қаердан олишган? Пахта далада ўсса, корхоналар ажратилган чигитни ёғ-экстракция заводларига сотишса...

— Қарши туманида 640 килограмм чигит 64 минг сўмга, Нишон туманида 3810 килограмм чигит 438150 сўмга сотилгани ходимларимиз томонидан аниқланди. Ноқонуний олди-сотди бўйича очилган жиноят ишининг бир учи «Бешкент» ва Нишон пахта тозалаш ОҲЖларига кетган экан. Ўша йилларда ушбу корхоналарнинг Тошкентда ўтказилган биринчи тўйида бутун ташкилий ишларини Шуҳрат ака зиммасига олганини миннатдорлик билан эслайди. Ёки шоир ва адиб Сайёрнинг, бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг нафақат ижодий, балки инсоний тақдирига дахлдорлиги кечагидай эсимда.

Шуҳрат ака, ҳар бир адабий тадбирда ёшлар ижодига алоҳида эътибор берар эди. У киши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бош маслаҳатчиси, «Шарқ юлдузи» журналининг масъул котиби сифатида ҳам қайноқ самимият билан ёшларни қўллаб-қувватлади. Уларнинг ижодини кузатиб борди.

Бундай илтифотдан камина ҳам бебаҳра қолмаганман. 1965 йилнинг кузида Тошкентда Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг анъанавий семинари бўлди. Мен Узоқ Шаркда — Тинч океан флотида ҳарбий хизматда эдим. Шоиримиз Азиз Абдураззоқ ташаббуси ҳамда ўша пайтда уюшма раҳбарларидан бири бўлган раҳматлик Асқад аканинг қўмондонликка ёзган мактублари туфайли ушбу семинарга етиб келдим. Семинарнинг шеърият қисмини Шуҳрат ака билан Саида опалар бошқаришаётган экан.

Семинарда қўлёзма муҳокама қилиниб ва Шуҳрат аканинг таклифлари билан нашрга тавсия этилди. Биринчи китоби нашрга тавсия қилинган ёш шоир ҳолатини бугун тасаввур қилиш қийин.

Шуҳрат ака, ниҳоятда фаришталидай инсон эди: гапни букмай, хаспўшламай, жон куйдириб гапирар, айни пайтда ана шу оҳангдаги самимиятдан одам енгил тортар эди. Кейинчалик Наманганда ишлаб юрган пайтларимда ҳам у кишининг меҳрини, кузатиб турганлигини ҳис этдим.

70-йилларнинг ўрталарида Андижонда Яшин аканинг 60 йиллик тўйлари нишонланди. Нимагадир бу тўй адиб 65 га кирганда бўлган эди. Намангандан бир гуруҳ қаламкашлар тўй ўтадиган жойга — вилоят театрига келдик. Пойтахтдан келган меҳмонлар орасида Шуҳрат ака ҳам бор эдилар. Кўришиб, салом-алик қилишимиз билан сўраб қолдилар:

— Ижодлар қалай?

— Машқ қилиб турибмиз, — дедим, имтиҳон топшираётган талабадай.

— Машқларинг жуда чўзилиб кетдида... Умр кутиб турмайди, отни қамчилаш керак, — дедилар Шуҳрат ака ўзларига хос кескин ва талабчан оҳангда.

Бу суҳбат мени ҳушёр торттирди. Фаоллашишга, республика матбуотида мунтазам кўриниб туришга даъват этди. Кейинчалик Шуҳрат ака ўзининг «Лирика» туркумида чиққан китобига шундай дастхат ёзди:

«Мен ижодидан умидвор бўлган шоир Ҳабиб Саъдулланинг нурли уфқларига кўз тикиб, автордан.
Шуҳрат. /Имзо/ 27.5.76.»

Бундан чорак аср муқаддам устоз олтмиш ёшга тўлишлари муносабати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, шоир Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, ўғиллари Фикрат ҳамроҳлигида Наманганга келишди. Туманларда, шаҳарда ажойиб адабий давралар бўлди. Биз шогирдлар устозимиз билан қанчалик фахрлансак, устоз ҳар бир учрашувда бизнинг руҳимизни кўтарар эдилар. Ўшанда Муҳаммад Али бир тўртлик ёзганди.

Юзга кириng, кўрайлик,
Гап шу Шуҳрат домулло.
Имзо чекдик И.Раҳим,
М.Али, О.Абдулло.

Мен қўшдим:

Ўшанда ҳам қиличдай
Кескир тургайсиз, илло,
Кўриб кувониб юргай
Фикрат, Ҳабиб Саъдулло.

8.VI.78. Наманган.

Шуҳрат ака тирик бўлганда саксон бешга тўларди, афсус...

Устоз ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўз тенгдошлари орасида энг кўп кўрган адиб эди. Бунинг устига умрининг сўнгги йилларида оғир хасталикка чалинди...

Бугун унинг ғамгин ва ночор, иложсиз ва бемор кунларини эслашдан кўра, бахтли лаҳзаларни эслаш ва шу билан руҳини шод этиш маъқул.

Муҳтарам Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган азиз сиймолар қаторида Шуҳрат аканинг борлиги ва бу юксак мукофотни давлатимиз раҳбари ўзлари шоирнинг фарзанди Фикрат Алимовга топширганлари у мўътабар зотнинг руҳини шод этгани, шубҳасиз.

Ана шу олий мукофот муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов раислигида ўтган хотира кечасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Озод ака Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Шуҳрат аканинг сафдошлари Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Мирмуҳсин, Матёқуб Қўшжонов, шоирлар Ҳалима Худойбердиева, Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар сўзга чиқиб устознинг фазилатларини яна бир бор ёд этишди, унга бағишлаган шеърларини ўқишди.

Унинг хотира кечасида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза бугунги ижод аҳлини аҳилликка, фаолликка, инсоний қадр-қимматни юксак тутишга даъват этиши билан ҳам сабоқ бўлди. Бу анжуманда ўтириб хаёлимдан яна кўп гаплар ўтди. Ва шундай хулосага келдим: бағрикенгликми, меҳр ва мурувватми биз Шуҳрат акага ўхшаш устозлардан ўрганишимиз зарур. Кўнгилдан яна бир армон ўтади: қанийди, ҳар биримизга ҳам ана шундай юксак инсоний фазилатлар ҳамроҳ бўлса...

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири



ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ

Навоий шаҳридаги 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси тизимидаги энг намунали жамоалардан биридир. Бугунги кунда улар ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этмоқда.

Ўт ўчирувчилар корхона ва ташкилотларда, аҳоли турар-жойларида бўлиб, ёнғиннинг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказишмоқда. Шу боисдан улар хизмат кўрсатаётган «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти, Навоий Электрокимё заводи, Навоий иссиқлик электр станцияси каби корхоналарда бирорта ҳам кўнгилсиз ҳодиса юз бермади.

Суратда: ўт ўчирувчи Рустам Маҳмудов.
Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ХУСУСИЙ ЗАВОД

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида кичик ун заводи қурилиб, ишга туширилди. «Ғалаба» хусусий ун заводи, деб ном берилган ушбу корхона бир кеча-кундузда 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида барпо этилган кичик корхонамиз иш бошлагач, 40 киши иш билан таъминланди, — дейди корхона раҳбари Холиқул Эргашев.

Республика Миллий банкидан олинган 210 минг АҚШ доллари қийматидаги кредит ҳисобига қурилган мини заводда айни пайтда биринчи ва олий навли ун ишлаб чиқарилаяпти. Корхона тамғаси билан чиқарилаётган бундай маҳсулотларга эса талаб ортиб бормоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Миллат ва маънавият

ОНА ТИЛИМ — ИФТИХОРИМ, ИНЖА ГАНЖИНАМ

Кейинги пайтларда тил борасида авж олиб бораётган ёмон иллатлардан яна бири жимжимадор қилиб, баландпарвоз оҳангларда гапиришдир. Ўрни бўлса-бўлмаса, учтагина сўз билан ифодалаш мумкин бўлган нарсани ярим қулоч қилиб баён этади. Масалан «Эшматнинг даласида пахта очилди» деб қўя қолиш ўрнига «халқимизнинг виждонидай оқ ва покиза, ўзбекнинг бағридай беғубор ва юмшоқ пахтамиз дилларга хушнудлик бағишлаб, кўзимизни қувнатиб, ўзимизни яшнатиб Эшмат ака даласида оқ байроқлардай очилди». Бунақа чучмалликни кўрганда энсаларинг қотиб кетади. Мен келтирган жумла — тўғри, ўзим тўқиган жумла. Лекин ишонаверинг — ТВ кўрсатувлари, радио тўлқинлари ва матбуот саҳифаларидан ёзиб олганларим қалашиб ётипти — уларни келтираман десам, бутун бошли бир китоб бўлади.

Баъзан ҳар қандай қилиб бўлсада, «чиройли» гапириш иштиёқи шунақа зўр келадики, муаллиф гапираётган гапининг маъносига мутлақо эътибор бермай қўяди. Мана, «Ассалом, Ўзбекистон» мухбирининг тилидан олинган бир мисол: куз ҳақидаги лавҳада шундай гаплар бор: «Қуёшнинг сўнгги нурларида осмоннинг хотираси бор — дейдилар». Менимча, бу иборанинг маъносини чақиш бўйича республика танлови ўтказилса ҳам, бironта одам биринчи тугул, учинчи ўринни ҳам ололмайди.

ОАВ тилида тобора кўпайиб бораётган ва кишини ғоятда афсуслантирадиган энг катта нуқсон — кўпгина журналистларимизнинг ошкора саводсизлигидир. Муаллифлар ўзбек тилининг энг оддий қонун-қоидаларини ё билмайдилар, ёки писанд қилмайдилар. Сўзларни ўз ўрнида ишлатмайдилар, келишикларни фарқламайдилар, эга-кесимни мосламайдилар. Натижада шунақа алмои-алжои иборалар, бесўнақай жумлалар пайдо бўладики, улар бирлашиб, «саводсизлик бўстони»ни майдонга келтиради. Бунақа нуқсонлар нафақат оддий мухбирлар тилида, балки етакчи дикторлар ва шарҳловчиларнинг тилида ҳам учраб туради. Мисолларга мурожаат қиламиз: «катта-катта дарёлар уммонлардан бошлангани каби» дейди муаллифлардан бири. Қизиқ, катта дарёнинг денгиздан бошланишини қаерда кўрганикин у? «Боқий дунёдан эсган шабадалар юрагингизга таскин беради».

Қизиқ, «боқий дунёдан эсган» дегани нима бўлсайди? Шабада қандай қилиб юракка таскин беради? Ва, умуман, бу чалакам-чатти сўзлар йиғиндисида нима маъно бор?

«Хоразмда Амударё бўйлаб янги кўприк қурилиши давом этмоқда», деб хабар беришди. Кўприк дарёга кўндаланг қуриларди, «дарё бўйлаб» узунасига қуриладиган кўприкни ҳам топишибди-да, азаматлар!

«Яқин ўн йилликда денгизда сузиб юрадиган шаҳарлар чиқар экан. Улар 500 км. тезликда сузар экан». — 500 км. тезликда сузган шаҳар қаёққа борар экан? Ҳар ўн кунда бирор қитъага бориб урилиб турармикин?

«Келинглар, боболаримиз от изини той босар деганларидек, буюк бобомизнинг қадами етган жойларни биз ҳам саёҳат қилайлик». Ғализлик ва ноаниқлик.

«Республикамизга кириб келаётган бир жуфт калиш икки долларни ташкил қилади». Калишнинг долларни ташкил қилишини биринчи бор эшитишим.

«Бен Ладен ўз ажали билан ҳалок бўлган». Сира-сира қовушмаган гап — ўз ажали билан ўлган одам ҳалок бўлган ҳисобланмайди.

ОАВда тил масалаларида йўл қўйилаётган бундай беписандликка, саводсизликка, лоқайдликка мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Негаки, йўл ҳаракатини бошқариб турадиган Йўл ҳаракати хавфсизлиги бор, аммо она тилимиз қоидаларининг муттасил ва бекаму кўст бажарилишини тафтиш қиладиган Давлат тили назорати йўқ. Тил борасидаги ўзбошимчаликлари ва тартиббузарликлари учун жавобгарликка тортиш Жиноят мажмуасида назарда тутилмаган. Шунинг учун тил бойлигини асраш, унинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилишни назорат этиш, тилимизнинг беқиёс гўзалликларини намойиш қилиш тўлалигича ОАВ зиммасига тушадиган масъулиятдир. Бир вақтлар улар бу масъулиятни бажаришга, биринчи навбатда ўзларининг тиллари гўзал, маънодор ва бенуқсон бўлишига жуда катта эътибор берар эдилар, ҳар ҳафтада махсус шу масалага бағишланган ишлаб чиқариш мажлислари ўтказиб туриларди, тилшунослар ва бошқа нуфузли одамларни таклиф қилиб, улар ёрдамида ўз фаолиятларини танқидий тафтишдан ўтказар эдилар. Нега бугунги кунда бу ишлар қилинмай қўйилди? Ахир, бугун ўзбек тили давлат тили бўлганига салкам ўн беш йил бўлаётган бир паллада унинг ривожи учун кураш ҳаммамиз учун фарз-ку!

Анча-мунча чўзилиб кетган мақоламизга шу ўринда нуқта қўйсак ҳам бўлар эди, лекин яна бир масала борки, уни ҳам тилга олмай ўтсак, кўнгил тўлмайди. Хўп, биз-ку юқоридаги она тилимизнинг бойлиги ва гўзаллиги тўғрисида батафсил гапирдик, ҳаммани шу гўзалликдан баҳраманд бўлишга ундадик. Лекин, савол туғилади: ахир, она тилининг гўзалликларини ҳис қилиш, бойликларини ўзлаштириш туғма хусусият эмас-ку! Ҳамма, айниқса, ёшлар буни қандай ўзлаштирадилар? Қайси китоблар, қайси қўлланмалар уларга ёрдамга келади?

Албатта, бу ишда биринчи ва энг катта ёрдамни мактаб бермоғи керак. Фақат она тили ва адабиёт ўқитувчисигина эмас, бошқа ҳамма ўқитувчилар ҳам она тилининг шайдоси бўлганлари ҳолда, қайси фандан дарс беришларидан қатъи назар болаларга шу шайдоликларини юқтира билмоқлари керак. Бунинг учун физика ёки жўғрофия ўқитувчиси ўз дарсини она тили дарсига айлантириб юбориши керак эмас, балки ўз фанининг материалларидан ҳам фойдаланиб тилимизнинг тароватини амалда кўрсатиб берсалар кифоя. Бир вақтлар мактабларда турли баёнлар ва иншолар кўп ёзилар, ёзма нутқ масалаларига катта эътибор бериларди. Афсуски, ҳозир мактаблардаги ўқиш йўналиши бироз ўзгариб кетганга ўхшайди.

Лекин, ўқувчи фақат ўзининг кучи билан бу йўлда катта муваффақиятларга эриша олмайди — бу ўринда уларга тилшунос олимларимиз ёрдамга келишлари керак. Ҳолбуки, четдан қараган одам анчадан бери тилшуносларнинг ҳовлиси сув сепгандай жим-жит эканини кўриб ҳайрон бўлади. Қани сизлар, эй алломаи замонлар, эй тил илмини сув қилиб ичиб юборган, бу соҳада қилни қирқ ёрадиган доцентлар, профессорлар, академиклар?! Нега турли-туман луғатлар йўқ, нега этимология борасида шу пайтгача бironта китоб чиқмаган? Нега услуб масалалари ёритилмайди? Нега марҳум А.К.Боровковдан кейин бironта тилшунос ўзбек матбуотининг тилини таҳлил қилувчи тадқиқот яратмади? Бир замонлар домла Собиржон Иброҳимов Фарғонадаги турли касбларнинг атамаларига бағишланган жуда қимматли ва жуда мукаммал китоб яратган эди. Шу тахлитдаги китоблар яратиш бирёқда турсин, шу пайтга қадар лоақал С. Иброҳимовнинг китоби қайта нашр қилингани йўқ.

Бу ўринда ёзувчиларимизда ҳам фаоллик йўқлигини таъкидлаш лозим. Фақат Пиримқул Қодировгина ёзувчиликда тил маҳоратига доир мулоҳазаларини бот-бот эълон қилиб туради, лекин улар китоб бўлиб чиқишга улгурмай, тарқалиб кетади. Нутқ маданияти, услуб маҳорати, тилдан фойдаланишнинг сир-синоатлари каби ғоят муҳим ва фойдали масалаларда бирон қўлланма ёхуд китоб анқонинг уруғи бўлиб қолди.

Ёки бошқа жиҳатини олайлик — матбуотда бугунги тилимизнинг аҳволи ва ривожига бағишланган мақолалар камдан-кам учрайдиган бўлиб қолган. Буларнинг бари ёшларимиз орасида она тилини тарғиб қилишга ва улар томонидан тилимиз бойликларини ўзлаштиришга халақит беради.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги қонун том маънода тарихий қонундир. У тилимизнинг мустақиллик шароитида беқиёс ривожига чинакам асос бўлади. Бу қонуннинг бажарилиши, она тилимизнинг тарғиботи, уни суиистеъмол қилишлар ва бузишларга қарши кураш, тилимизга ғамхўрлик ҳаммавақт диққатимиз марказида бўлмоғи керак.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Иқтисодиёт ва ислоҳот

МИЖОЗ РИЗОЛИГИ — ТЕНГ ПАЛЛАЛИ ТАРОЗИ...

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Хоразмтелеком» филиалида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш тажрибасидан

Бугунги кунда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликка бўлган йилларда ҳали ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган илғор фан-техника тажрибалари маҳсули — радиоалоқа ва уяли алоқа каби сўзлашув воситалари эндиликда аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Истасангиз юртимизнинг нафақат чекка туманлари, балки дунё мамлакатлари билан ҳам гаплаша оласиз.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги «Хоразмтелеком» филиали жамоаси бу борада амалга ошираётган ишлар айниқса, диққатга сазовор. Тезкор уяли алоқа компаниялари билан рақобатда ишлаётган жамоа — ишлаб чиқаришни изчил такомиллаштириш, янги технологиялар яратиш ва уларни жорий этиш борасида қатор ижодий изланишлар олиб бораяпти. Маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиоэшиттиришни йўлга қўйиш филиалнинг асосий хизмат турларига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»**ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори соҳа мутахассислари учун айни муддао бўлди. Хусусан, Фармондаги **«Миллий ва Халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш... биринчи галдаги муҳим вазифалардан ҳисоблансин»** деган кўрсатма жамоа ишчи-хизматчиларини руҳлантириб юборди. Улар хорижий ҳамкорлар кредитларидан фойдаланиб, телекоммуникациялар тармоғини тобора янгилаб боришга ва янада ривожлантиришга қатъий киришдилар. Замонавий ахборот тизимларига уланиш зарурати туғилиши билан, Интернет тармоқларидан янада самаралироқ фойдаланишга эътибор кучайтирилди.

— Филиалга янги технологияларни олиб келиш ва ўрнатиш ишлари 1999 йилдаёқ бошланганди, — дейди филиал директори Ортиқ Оллоберганов. — Ўша йилнинг 30 январида 61 минг нуқтага эга янги рақамдаги АТС ишга туширилди. Бир йўла еттита туманни боғловчи рақамли алоқа тизими вужудга келди. Халқаро ва шаҳарлараро алоқа тизими учун Япониядан келтирилган «НИЯКС-61» станциялари ўрнатилди. Ҳозир бу тизим 4560 нуқтага хизмат кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида аҳолига 2372,2 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. 2358,6 миллион сўмлик алоқа ишлари бажарилди. Минтақалараро ва халқаро телефон алоқа хизмати режаси ҳам ортиғи билан уддаланди.

«ЎзДЭУ» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «ДТС-1100», «ДТС-3100» рақамли телефон станциялари иш бошлаганига анча бўлди. Ўз кучимиз ва олинган соф фойда эвазига шаҳарлараро ва халқаро алоқалар сифатини яхшилаш йўлида 197,5 километр узунликдаги шиша толали кабеллар ўрнатилди. Жумладан, Урганч ва унинг йўлдош шаҳарчаси — «Наврўз» оралиғида шиша толали алоқа линияси йўлга қўйилди. Ишга туширилган кўплаб қўшимча сўзлашув масканлари қатори қишлоқ таксофонлари ҳам ижарага берилди. Натижада, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми ошди ва даромад салмоғи кўпайди. Айни пайтда мижозларимиз сони 79375 нафарга етди. 661 та корхона ва ташкилот хизматимиз сифатидан мамнун.

Яна бир жиҳат: Япониядан олинган кредитнинг анчагина қисми тўлаб бўлинди. Чунончи, шу йилнинг биринчи ярмидаёқ 270 миллион сўмлик кредит қайтарилди. Ҳозиргача 347,8 миллион сўм маблағ тўланди...

Эришилаётган ютуқлар бу ерда жадал давом этаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир. Шу йил бошларида Тошкентдаги «Ўзбеккабель» очиқ акциядорлик жамиятидан 60 миллион сўмлик турли хил алоқа кабеллари келтирилди. Туманлараро ўтган ҳаво линиялари ер ости кабеллари билан алмаштирилмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлашга оид ишлар учун 20 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Яқинда Учқудуқ — Нукус магистралида янги оптик кабель ўрнатилди. Эски МХС русумдаги 25 километр масофада бўшаб қолган кабел қазиб олинди ва бу вилоят марказидан туман марказигача бўлган оралиқни боғлайдиган кабелларни алмаштириш имконини берди. Қолаверса, ҳозир бутун вилоятни қамраб олувчи алоқа халқаси қуриш ҳаракати бошланди. Бу билан илгари рақамли алоқа хизмати ўрнатилмаган — Питнак шаҳри, Боғот, Янгибозор, Янгиариқ туманларида ҳам рақамли алоқа хизматини йўлга қўйиш шароити туғилди. Яқин вақт ичида Хонқага келиб қолаёзган шиша толали алоқа кабели Боғот — Хазорасп туманлари ва Питнак шаҳри, сўнгра Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрини халқаро шиша толали алоқа тизимига боғлайди. Пировардида, вилоят бўйича иккита халқали алоқа тизими вужудга келади. Яъни, Урганч — Хива — Қўшкўпир — Шовот — Гурлан — Янгибозор туманлари биринчи халқа, Урганч — Янгиариқ — Боғот — Хонқа ва яна Урганч шаҳри иккинчи халқани ташкил этади. Бундай халқалар ҳосил қилишдан мақсад, бирор жойда кабелга шикаст етиб қолгудай бўлса, мижоз буни сезмаслиги, алоқа узилмаслиги керак...

Филиал раҳбарияти жойларда — одамлар орасида тез-тез бўлиб, телеком хизматига оид суҳбатлар ва семинарлар ўтказишни анъана қилиб қўйишди. Сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида бўлиб ўтган бундай семинарлар жамоа фаолиятига ҳам, абонентларга ҳам катта ёрдам бермоқда. Зеро, мижозлар кўнглига йўл топиш осон эмас. Хизматнинг мижозлар кўнглига мос турли хил турларидан самарали фойдаланиш — ҳам тажриба, ҳам маҳорат талаб қилади. Бош мақсад — мижоз ризолигини олиш. Унинг ризолиги — таъбир жоиз бўлса, тенг паллали тарози...

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

1

МАСАЛА БМТ ХАЛҚАРО СУДИДА КЎРИЛАДИ

БМТ Бош ассамблеясида Фаластин автономияси томонидан тақдим этилган резолюция овозга қўйилди. Мазкур резолюция Исроил томонидан чегарада тикланаётган «муҳофаза девори» қурилишини қонуний тўхтатишга қаратилган бўлиб, бу масала БМТнинг Халқаро судида кўриб чиқилишини назарда тутади, дейилади Reuters ахборотида.

Шундай қилиб, овоз бериш натижаси қуйидагича бўлди: 90 та давлат вакили девор қурилиши тўхтатилишини ёқлаб овоз берган бўлса, 9 вакил асосан АҚШ, Исроил, Австралия, Наури ороли, Маршал, Микронезия ва Палау ороллари қарши чиқди. 74 давлат вакили эса бетараф қолди.

Фаластинликларнинг даъвоси шундан иборатки, Исроил деворни бўлажак Фаластин давлати ҳудудидан тортмоқда. Исроил эса террорчилик актларидан тинч аҳолини ҳимоялаш учун мазкур деворни қуришга мажбур бўлганини таъкидламоқда.

Қисқаси, бу борадаги хулосани энди Халқаро суд айтади.

МАВСУМ БОШИДА ҚОР БЎРОНИ

АҚШнинг шимоли-шарқида юз берган кучли қор бўрони натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди.

Sky News берган хабарга кўра, Виржиния штатидан Вермонтгача бўлган ҳудудда кучли қор бўрони давом этмоқда. Ҳозир юзлаб мактаблар ёпилган, аэропортларда парвозлар тўхтатилган. Масалан, Бостондаги халқаро аэропортда учиш-қўниш йўлагининг фақат биттасидангина фойдаланилмоқда.

Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари таъкидлашича, қиш мавсумининг бошланишида бундай қор бўрони юз бериши жуда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

XORIJDA

АНЖУМАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Милан шаҳрида иқлим ўзгаришига бағишланган халқаро анжуман ўтган ҳафтанинг душанбасидан эътиборан давом этмоқда. У 12 декабрда якунланади. Анжуманда 188 та давлат вакиллари иштирок этмоқда. Унга Венгрия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Миклос Персани раислик қилмоқда.

Анжуманда Киото келишуви механизми билан боғлиқ бир қатор масалалар, ривожланаётган мамлакатларга экологик технологияларни тақдим этиш, экологик тоза энергия олиш дастурини молиялаш масалалари муҳокама этилмоқда.

Анжуманнинг охирги уч кунида Киото шартномасига аъзо давлатлар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари ҳам иштирок этиши таъминланди.

Маълумки, 1997 йилда 84 та мамлакат томонидан имзоланган Киото шартномаси 2008 йилдан 2012 йилгача атмосферага карбонат ангидрид гази тарқалишини 5,2 фоизга қисқартиришни кўзда тутади.

Бугунги кунда мазкур шартномага 120 та давлат имзо чеккан. Дунё давлатларининг 55 фоизи ушбу келишув битимига имзо чеккач, шартнома кучга киради.

Дунёнинг энг қудратли давлатлари — АҚШ ва Россия ҳозирча мазкур ҳужжатни имзоламаган, деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

Шарҳловчи минбари

РОССИЯДА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Россия телевидение ва радиоси маълум қилганидек, якшанба куни Россия давлат думаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки якунлари чиқарилди. Шундай қилиб, тўртта партиягина янги парламентдан ўрин олади. Яъни, «Единая Россия» — 37,09 фоиз, Россия Федерацияси Коммунистик партияси — 12,7 фоиз, Россия Либерал демократик партияси — 11,6 фоиз, «Родина» — 9,1 фоиз овоз олиб, 5 фоизли «тўсиқ»дан ўтишга ва сайловда ғалаба қозонишга муваффақ бўлдилар. «Яблоко» (4,3%), СПС (4,0%), аграрлар (3,7%) ва Россия пенсионерлар партияси ва ижтимоий адолат партияси (3,1%) «тўсиқ»дан ўта олмадилар.

Агар ғолиб тўрт партиянинг сайлов натижаларидаги фоизларига қараб думада эгаллайдиган ўрнини ҳисоблайдиган бўлсак, қуйидаги манзарани тахмин қилиш мумкин: «Единая Россия» — 222 депутат ўрнига, Коммунистлар партияси — 53, либерал демократлар — 38, «Родина» эса 37 ўринга эга бўлиши мумкин.

«Единая Россия» партияси Марказий Кенгаши аъзоси, учинчи чақириқ қуйи палатанинг биринчи вице-спикери Любов Слисканинг маълум қилишича, давлат думаси янги таркибининг биринчи ташкилий мажлисини чақириш 26 декабрга белгиланди.

Унда янги сайланган депутатлар асосий лавозимларни тақсимлаб чиқишлари лозим. Яъни, думанинг янги раиси, вице-спикери сайланади, қўмита ва комиссиялар раҳбарлигига номзоди қўйилганлар тасдиқланади.

ИТАР-ТАСС берган хабарларга қараганда, Слиска қуйи палата тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қўмита ва комиссияларни қисқартириш тарафдори. «Бир қатор қўмиталарни вазифасига қараб бирлаштириш лозим, айримларини эса қисқартириш керак», деди у.

Энди президентликка сайлов ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, Федерация Кенгашининг кеча бўлиб ўтган мажлисида сайлов кунини белгилаш борасида келишиб олинди. Қонун бўйича Президент сайлови аввал қайси ойда сайлов ўтказилган бўлса ўша ойнинг иккинчи якшанбасида ўтказилиши лозим. Демак, бу кун келгуси йилнинг 14 мартига тўғри келади.

Президент сайловини ўтказиш куни расмий белгиланган, унга номзодлар кўрсатиш кампанияси бошланади. Ўзидан номзод кўрсатган партиялар съезд ўтказиши, унинг қарори ва бошқа зарур ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши учун 25 кун муҳлат берилади. Шундай қилиб, партия форумлари январнинг биринчи кунигача бўлиб ўтиши лозим.

Дастлабки манбаларга қараганда, партиялар съездларини ўтказиш кейинги ҳафтаданоқ бошланади.

Президентликка партиялар орқали эмас, балки ўзича номзодини илгари суришни хоҳлаганлар учун эса ҳужжатларни тўғрилаб, тақдим этишга 20 кун муҳлат берилади. Бу орада партиясиз номзодлар ўз тарафдорлари йиғилишини ўтказиши ва сайлаш ҳуқуқига эга бўлган камида 500 кишилик тарафдорини Марказий сайлов комиссияси рўйхатидан ўтказиши даркор.

Дума сайловларида ғолиб чиққан партияларнинг эса бу борада имкониятлари катта: президентликка улар томонидан кўрсатилган номзод ўзини қўллаб-қувватловчи имзо йиғиши шарт эмас. Президентликка ўз номзодини ўзича илгари сураётган ва думага бўлиб ўтган сайловларда 5 фоизлик «тўсиқ»дан ўтолмаган, партия ёки блоклардан кўрсатилган номзодлар эса умумий ҳисобда 2 миллионта (ҳар бир ҳудуддан 50 мингдан ортиқ) имзо йиғиши шарт.

Худди парламентга сайловлар кампаниясидек, Президент сайлови кампаниясида ҳам номзодлар кўрсатилиши ҳамоно уларни тарғибу ташвиқ қилиш жараёни бошланади. Демак, кейинги ҳафтаданоқ оммавий ахборот воситалари ўз кучини кўрсатишга киришади. Сайловолди ташвиқотлари эса сайлов белгиланган санадан 30 кун олдин, яъни февралнинг ўрталарида бошланади.

Алимбек ТОШБЕК

«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 26 ноябрь куни соат 12.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қуйидаги манзилда ўтказилди:

Тошкент шаҳри, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибида қуйидаги масалалар кўриб чиқилди.

1. Кузатув кенгаши аъзоларини тасдиқлаш. Овоз беришди: «ҳа» — 17177, «йўқ» — 39, «бетараф» — 52.

2. Бошқарув кенгашининг 2003 йил 9 ойлик ҳисоботи. Овоз беришди: «ҳа» — 17271, «йўқ» — 39, «бетараф» — 32.

3. «Тошкент вилоят қурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклини бошқа шаклга айлантириш. Овоз беришди: «ҳа» — 17049, «йўқ» — 225, «бетараф» — 68.

4. Бошқа масалалар бўйича. Овоз беришди: «ҳа» — 17241, «йўқ» — 17, «бетараф» — 59.

Акциядорларнинг акциялари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй.

Кимошди савдолари агентлиги ва республика қўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали биржа савдоларини ўтказади

Биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй манзилгоҳида жойлашган, «Transmahsusqurilishta`minot» масъулияти чекланган жамиятининг 26 фоизлик давлат улуши. **Бошланғич нархи — 16471000 сўм.**

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси:

— Тасаввур қилинг, мана шу қарор чиқмади. Юраверардик одатдагидек «қарор бўлса ишлаймиз» деб. Хатоларни, нуқсонларни аввало ўзимиздан қидиришимиз керак. Шу соҳанинг кишисиман, спорт журналистиман, деб юрибмизми, ишимизни қойиллатайлик. Қарорда айтиб ўтилганидек, халқимизнинг спортга бўлган муносабатини ўзгартирадиган даражада тарғиб қила олмаяпмиз. Тасаввур қилайлик, мустақилликдан 10 йил аввал қанақа эди, 5 йил аввал-чи? Мустақиллигимизнинг 12 йили ичида спортга, спортчига эътибор, ғамхўрлик қанақа бўлди? Босқичма-босқич тасвирлаб бирон чиқиш қила олдикми? Йўқ! Кичкина ахборот ёзамиз, хабар ёзамиз. Ҳисоб 3:1 бўлди, 2:0 бўлди, деб. Ваҳоланки, бизнинг энг катта имконимиз шуки, халқимизнинг жудаям кўп қисми спортга қизиқади, ана шу қизиқишдан фойдалана олмаяпмиз. Ҳамма соҳада профессионаллашув керак. Спорт журналистими, марҳамат қилиб профессионал даражага кўтарилиши керак. Футбол бизда жуда оммавийлашган. Буни инкор қилмаймиз. Лекин кўл тўпи, волейбол, баскетбол, бокс, енгил атлетика, кураш каби спорт турларини шарҳлашда, ёзишда ҳам журналистларимиз етарли шаклланганлари йўқ. «Фалончи теннисни ёки курашни боплаб шарҳлайди», деб айта олмаймиз.

...Шарҳловчи қайси сўзни кўп ишлатаяпти, қайси иборани нотўғри қўллаяпти? Бир-биримизга нуқсонларимизни айтиб, тузатайлик... Бокс репортажини олиб борадиган дўстимиз «Нокдаунд», дейди. Аслида нокдаун, дейилиши керак. Ҳеч ким унга айтмайдими, ўргатмайдими? «Майдонда ҳаракат қилаяпти» деган сўзни кўп ишлатишади. Бу иборани такрорлайверишнинг нима кераги бор? «Ўйнаяпти» денглар, бўлди. «Рингда ҳаракат қилаяпти», «Чиройли ҳаракатни амалга оширди», «Амалга оширди», «Корин қисмига урди», «Жағ қисмига урди» дейди. Бокс қўлқопи (перчатка) жағдан катта бўлса, жағ қисми қаери бўлди энди? «Биқинига урди», «Корнига урди», деса бўлади-ку.

Жисмоний тарбия институтини тамомлаганларнинг ҳаммаси ҳам машҳур спортчи бўлавермайди. Менимча, улар орасидан шарҳловчиликка қизиқадиганларини танлаб, тайёрласак бўлади.

Асрор МЎМИНОВ, Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти етакчи муҳаррири:

— Қабул қилинган қарорда спортга оид китобчиликни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор берилгани айни муддао бўлди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилда «Ўзбекистон ифтихорлари» китоби нашрдан чиқди. Рости, юртимизда мазмунан пухта, энг муҳими, замонавий матбаа талабларига жавоб берадиган шу хилдаги китоб нашр этилмаганди. «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобининг спорт бўлимини кўрганда ҳам кўз қувонади. Кейинги 2-3 йил ичида чоп этилган бир неча китоб ва плакатларни юқори сифатли нашрлар қаторига қўшиш мумкин. Афсуски, бошқа спорт нашрлари, ё мазмун жиҳатидан ё матбаа нуқтаи назаридан ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Нега спортга оид яхши китоблар кам? Сабаби, нашриётларда спорт бўлимлари, демакки, ихтисослашган спорт ноширлари йўқ. Агар ноширлар тайёрланмас экан, соҳада юксалиш бўлиши қийин.

Маълумки, 1999 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, «Спорт» нашриёти ташкил қилиш белгиланганди. Нега ўтган йилларда «Спорт» нашриёти ташкил қилинмади, дейишдан олдин бундай нашриёт тузишнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталсак. Аввало, «Спорт» нашриётини тузиш катта моддий базани, кўп ташкилотчиларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатини талаб қилади. Яъни, ихтисослашган нашриётда замонавий жиҳозланган компьютер, рассомлик ва лаборатория бўлими зарур. Бундан ташқари, нашриёт тўлақонли фаолият кўрсатиши учун Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги каби манфаатдор ташкилотлар спорт нашрига оид буюртмаларни айнан унга бериши лозим. Хуллас, нашриёт тузиш бўйича ечимини кутаётган қатор муаммолар бор.

«Жисмоний тарбия ва спорт сўзларининг изоҳли луғати», «Жисмоний тарбия ва спорт энциклопедияси» каби зарур китобларимиз йўқ. Бу китобларсиз спорт тарғиботини тасаввур этиш қийин. Бундай китобларни «Спорт» нашриётигина сифатли қилиб нашрга тайёрлаши мумкин. Шундай экан, «Спорт» нашриётини ташкил этиб, юқорида зикр этилган китобларни нашрга тайёрлаш борасида амалий ишлар қабул қилиш лозим, деган фикрдаман. Спортга оид бундай китоблар мутахассисларнигина эмас, балки оддий спорт мухлислари, китобхонларнинг жисмоний маданиятга оид билимларини бойитарди...



Эркин МАЛИКОВ, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бўлим мудири:

— Болаларга мўлжалланган спорт китобларининг аксарияти аввалги имлода. Энди лотин имлосида китобларни нашр этишимиз керак. Нашриётимиз ҳозиргача болалар учун 120 дан ортиқ номда 2,5 миллион нусхадан зиёд бадиий китоблар нашр этди. Лекин улар орасида спортга оид китоблар жуда кам. Сабаб? Биринчидан, буюртма масаласи. Биз уни кимдан кутамиз? Халқ таълими вазирлигидан, Спорт қўмитасидан, давлат ва нодавлат идоралардан.

Иккинчидан, у ёки бу спорт тури ёки машҳур спортчи ҳаёти ҳақида китоблар ёзадиган қаламкашлар муаммоси ҳам бор. Бизда спорт олами бўйича ихтисослашган ёзувчилар йўқ даражада. Энди «йўқ» деган билан ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, албатта. Нашриёт ўз ташаббуси билан Ёқуб Хўжаевнинг «Каратэ, у-шу ва бошқалар», Муҳаммаджон Аҳмедовнинг «Йиқилган курашга тўймас», Эркин Хўжаевнинг «Тўп думалоқ», Сафар Остоновнинг «Тошкентлик йўлбарс», «Бадминтондан теннисгача», Алишер Шоғуломовнинг «Афсоналарга сингиб...» (ўзбек футбол тарихи ҳақида), Ахбор Имомхўжаевнинг «Ўзбекнинг Миржалоли» каби китобларини чоп этишни режалаштираяпти...

Асрорбекнинг таклифи ўринли. Лекин менинг назаримда «Спорт» нашриётига бугун эҳтиёж унчалик катта эмас. Чунки, бугунги эҳтиёжларимиз учун «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ҳамма шароит етарли. Қайсиким, китоб, турли спорт плакатлари, афишаларни нашр этиш бўйича фақат аниқ талаб ва ҳомийлар бўлиши керак. Нашриёт базасида спорт китобларини нашр этадиган алоҳида «Спорт» таҳририяти очиш ва унинг атрофига етук спорт журналистлари, ёзувчилари уюшса бас. Тўғри, 3-5 йиллардан сўнг мутахассисларимиз етарли бўлади, нашр этиладиган спорт мавзуидаги китобларга эҳтиёж кўпаяр, у вақтда «Спорт» нашриётини очиш масаласи кўтарилар, аммо ҳозир тайёр, энг замонавий база турганида, катта маблағ сарфлаб «Спорт» нашриётини ташкил этишнинг ҳожат йўқ, менимча.

Рамзиддин АБДУСАТТОРОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани муовини:

— Олий таълим вазирлигининг буйруғига кўра, қарорда таъкидланганидек, журналистика факультетида курслар ташкил этилаяпти. Унинг дастури, ўқув режаси ишлаб чиқилди. Албатта, спорт журналистлари учун интервью олиш, репортажлар олиб бориш ва бошқа курсларни Давлат спорт қўмитаси ҳамда Олимпия қўмитаси билан маслаҳатлашиб ташкил этдик. Очиғи, спорт журналистлари кенг оммалашмаган, улар спорт турларининг тарихини, қонун-қоидасини у қадар билишмайди. Бу масалани ҳал қилишда албатта мутахассислар билан ҳамкорлик қиламиз.

Дастурларимизда спорт ўйинларини шарҳлаш маданияти ҳам ўрин олган. Россиялик шарҳловчиларнинг ютуқлари нимада? Уларнинг деярли барчаси аввалги спортчилар. Спорт мусобақасини шарҳлаш ўйиннинг савиясига ҳам боғлиқ бўлади, томошабиннинг берилиб томоша қилиши эса шарҳловчининг маҳоратига боғлиқ.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ, ЎзТВ футбол шарҳловчиси:

— Бугун биз спорт журналистлари ихтисослашиши керак, деб айтяпмиз. Телевидениеда спорт шарҳловчилари кўпчиликни ташкил этади. Газета таҳририятларидаги спорт журналистлари бир неча спорт турларини ҳам назарий, ҳам амалий томондан билишлари лозим. Чунки, газета таҳририятларида бир-икки нафар спорт журналисти бўлади, холос. Тўғри, спорт шарҳловчиларини тайёрлайдиган ўқув юртлари йўқ, улар ўзлари тайёрланади.

Бизни биров ўқитмаган, ўргатмаган, лекин Ахбор Имомхўжаевга, Роман Турпишевга тақлид қилганмиз ва албатта кейинчалик ўз йўлимизни топиб олишимизни ўйлаганмиз. Томошабинни, спорт мухлисини алдаб бўлмайди, чунки у кузатиб туради. Айтаётган гапларингиз ўйин ҳолатларига мос тушиши керак. Ҳозир нафақат шарҳловчиларимиз, балки журналистларимиз ҳам тайёр нарсаларни интернетдан олиб, ўзлари билганча ўзбекчалаштиришяпти. Ўз устимизда ишламасак, шарҳга тайёрланмасак, изланмасак, ишларимиз юзаки бўлиб қолаверади.

Яхши таклифлар айтилди, тажрибали спорт журналистлари олий ўқув юртларидаги шу соҳа дарсларига таклиф этилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Мени хурсанд қилган нарса шуки, бу ерда айтилган айрим таклифлар Халқаро журналистика факультетида, Миллий университетимизда қўлланилаяпти.

Комилжон ЯРАШЕВ, Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти проректори:

— Ишимизнинг ривожи, ютуғи биринчи галда тайёрлаётган кадрларимизга боғлиқ. Оммавий спортдан катта спортчилар чиқади. Яна бир томони — ўсиб келаётган фарзандларимизнинг соғ-саломат, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари ҳам бош мақсадимиз. Жисмоний тарбия, жисмоний маданият, оммавий спорт, профессионал спорт, булар ҳақида маълумот бўлмаса ишимиз яхши бўлмайди. Спорт турлари қонун-қоидаларини, назариясини жуда яхши ўзлаштирган шарҳловчи иш давомида кўп ҳам хатога йўл қўявермайди. Фақат у тили ва нутқи масаласида кўпроқ шуғулланиши лозим бўлади. Спорт терминлари луғатини тузиш масаласини ҳам кўриб чиқиш керак. Чунки, матбуотда нафақат журналистларимиз, балки мутахассисларимиз ҳам айрим спортга оид сўзларнинг маъносини тушунмай, бундай ибораларнинг ўзбек тилида қандай қўлланишини билмай қийналишади. Мутахассислар, олимлар, журналистлар биргалашиб бу ҳақда ўйлаб кўришса.

Бугунги кунда ОАВда спорт мавзуидаги материалларда таҳлил сезилмайди, натижалар билан чекланамиз. Тўғри, тажрибали спорт журналистларимиз ёзишади, ўқиймиз, лекин бу жуда кам.

Мусулмон ЭЛМУРОДОВ, «Спорт» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари:

— Яқинда ўзимиздаги шарҳловчилардан бири, «Дунёда фақат «Ливерпул» ва «Динамо» футбол жамоалари номида метро бекатлари бор экан», — деб гапириб қолди. Мен энди «Пахтакор»ни ҳам айтса керак, деб ўйлагандим. Афсуски, шарҳловчимиз ўзининг юртида ҳам футбол клуби номидаги метро бекати борлигини билмас экан.

Спорт шарҳловчиларининг тили тўғрисида куюниб гапирамиз, лекин уларни ҳам тушуниш керак, айтайлик футболда охирги ҳимоячини «чистилшик» деб айтишади. Бу сўзни ўзбекчада нима дейишимиз керак? Спортча атамаларнинг ўзбекча муқобил вариантлари бўлиши лозим. Ҳар ким ўз билганича таржима қилаверса. Шунинг учун ҳам бу ерда айтилган спорт терминлари ёки атамалари луғати тўғрисидаги фикрлар ўринли. Бундай китоб бизга жуда-жуда зарур.

Спорт журналистлари мақолаларини ўқиб, таҳлил қилганимда, мутахассис маслаҳати бугун жуда зарур эканлигига амин бўламан. Бирон-бир спорт журналисти билан спорт мутахассисининг ҳамкорлик қилаётганини ҳали эшитганим йўқ. Спорт мутахассиси билан ҳамкорлигимиз ишимиздаги камчиликлар, хатолар камайиб боришига хизмат қилади...

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ, спорт шарҳловчиси:

— Спорт журналистларимиз ўзлари устида ишлашмайди, десам тўғрироқ бўлар. Эшиттиришларимиз, кўрсатувларимиз, мақолаларимиздаги камчиликлар, нуқсонлар бизнинг маълум маънода уқувсизлигимиздан.

6 ёшли боладан тележурналист сўраяпти:

— Сан келажакда ким бўласан?

Бола тарбиячисими, журналистнинг ўзими ўргатиб қўйгани аён бўлади. 6 яшар бола ҳали «келажак» сўзининг маъносини тушунавермайди-да.

Халқаро мусобақага жўнаб кетаётган профессионал спортчидан ҳамкасбимиз сўраяпти:

— Халқаро мусобақага боришдан мақсадинг нима?..

Ҳар икки ҳолатда ҳам журналист суҳбатдошига «сиз» эмас «сан»лаб мурожаат этмоқда (Журналист одоби, маданияти қани?) Саволларга спортчи қандай жавоб қайтаришини томошабин ҳам олдиндан билади.

Бундай саволларимиз билан суҳбатдошларимиз тафаккурини, фикрларини ўтмаслаштирамиз, холос. Аслида, саволларимиз билан уларни ўйлашга, фикрлашга ундашимиз керак. Спортчининг машаққатли меҳнатлари, изланиши, изтироблари, жароҳатлари эвазига мамлакат байроғи кўтарилади, мадҳияси янграйди. Буни аввало ўзимиз ҳис қилишимиз лозим.

Биз негадир болалар боғчаларига, мактабларга кириб боришни, жисмоний тарбия дарсларидан, жажжи фарзандларимизнинг ҳаракатли ўйинларидан репортажлар тайёрлашни унутамиз. Болалар боғчаларида, мактабларда, маҳаллаларо ўтказилаётган мусобақаларни ёритсак, репортажлар уюштирсак, бу ҳам уларни рағбатлантиришнинг бир кўриниши.

Жисмоний тарбия фанидан 4,9,11-синф ўқувчилари битирув имтиҳони топширадилар. Кузатган бўлсангиз синфнинг ҳамма ўқувчиларига «4», «5» баҳолар қўйилади. Ўқувчилар турникда ўз оғирликларини фалон марта кўтара олса, 60 м.га белгиланган сонияда югуриб келса, ёшига қараб белгиланган даражада узунликка, баландликка сакрашни уддалай олсагина «яхши» ва «аъло» баҳо қўйилади. Эндигина мактабни тамомлаб, ҳарбий хизматга отланаётган фарзандларимизнинг жисмоний тайёргарликларига ҳарбий комиссариатлардаги мутахассислар қандай баҳо беришаяпти экан?!

2003-2004 ўқув йилидан бошлаб ўрта мактабларда жисмоний тарбия соатлари ҳафтасига 2.5-3 соатдан бўлиши лозим эди. Аслида-чи?.. Булар спорт журналистлари эътиборидан четда қолмаслиги керак, деб ўйлайман.

Болалар боғчаларидаги баскетбол, волейбол, футбол майдонларининг ўлчамлари шубҳасиз мактаблардаги шу спорт майдонларидан фарқ қилади. Демак, ўйин қоидалари ҳам фарқланади. Спорт журналистларининг ихтисослашуви борасида гап кетар экан, болалар спортига ҳам ихтисослашишни унутмаслигимиз керак.

Мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда бир спортчига, жамоага ҳакамлар, мутахассислар томонидан ён босиш ҳолатлари учрайди. Футболдаги келишув ўйинлари.., агар спорт журналисти ўз соҳасига ихтисослашган бўлса, у алданмайди, салбий ҳолатларга кўз юмиб кетавермайди. Демак, хатоларга, камчиликларга муросасиз бўлади ва албатта тайёрлаган кўрсатуви, эшиттириши, мақоласи ҳам ўз мухлисларини топади.



Ҳайдар НОСИРОВ, спорт шарҳловчиси:

— Спорт ва жисмоний тарбия хосиятини кенг халқ оммасига ким етказади? Биринчи галда спорт журналистлари. Спорт тарғиботига бағишланган қарорнинг муҳимлиги ҳам шунда. Шу жиҳатдан қараганда, ёшларга ҳавасим келади. Нега десангиз, 70-80 йилларда спорт журналисти сифатида фаолият кўрсатган бўлсам, бундай касб эгасига имконият, талаб ҳам бу даражада қўйилмаган. Спорт хабарларини ёритишда турли қийинчиликларга дуч келардик. Устозларнинг «бу спорт газетаси эмас», деган дашномларини кўп эшитганмиз.

Мана, энди аҳвол бўлакча. Спорт юртимизда ривожланиб, тобора оммавийлашиб бормоқда. Профессионал спортчилар сафи кенгаймоқда. Аммо, спортчилар ҳаёти, турмуш-тарзи ҳақида кенг ва кўламли мақолалар ёзиш эса ҳаминқадар. Демак, спорт журналистлари, шарҳловчиларига бўлган талабни ошириш вақти етди. Мақсад битта, у ҳам бўлса жисмоний тарбия ва спортни халқимиз турмушига сингдириш, кундалик удумга айлантириш. Шунга эришиш керакки, ёшу қари эрталаб ювинишни унутмаганидек, бадан тарбияни ҳам фарз деб билсин. Қарорда спорт нашрларини янада кенгайтириш ҳақида ёзилган. Яқин йилларда «Спорт» журналини ҳам нашр этиш йўлга қўйилса, чунки газета, телевидение ёки радиоэшиттиришлар катта ва кенг кўламли спортга оид материалларни ёритишга фурсати ҳам, ҳажми ҳам етмайди. Бундан буён спортнинг аҳамияти, спортчилар ҳаёти ҳақида киносценарий, бадиий асарлар, очерклар, ҳикоялар кўпроқ ёзилса, бунда журналнинг асқотиши турган гап.

Равшан ШОДИЕВ, Муҳаммад АЪЛО тайёрлади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Robiya XUDOYBERDIYEVA

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 164
7619 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

КУЛ ҚОЛДИРМА, ГУЛ ҚОЛДИР

Бу билан: «Элингга, ўғил-қизингга ўзингдан култепага айланган, вайрона уй-жой қолдирма, боғ-бўстога айланган, обод, кўркам уй-жой (умуман, ҳаётлик чоғингда ўзингдан ёмонлик эмас, яхшилик) қолдир, токи сени ёмон одам сифатида эмас, яхши одам сифатида эслаб юрадиган бўлсинлар», деган маънода панд-насиҳат қиладилар.

КУЛГИ — ҚАМЧИ, ЗАҲАРЛИ ТОМЧИ

«Кулгу тутун бўлмаса ҳам, кўзни ачиштиради». Бу мақолларда ғаразли, заҳарханда кулги, бировни камситадиган, масхара қиладиган, пастга урадиган кулги назарда тутилган.

КУЛМА ҚЎШНИНГГА, ҚАЙТИБ КЕЛАР БОШИНГГА

Бировнинг устидан кулмаслик, бировни камситмаслик, мазахмасхара қилмаслик зарурлиги уқтирилади. «Кишига кулмагил зинҳор, Сенга ҳам кулгувчилар бор»; «Кулма менга, кулгум келар сенга»; «Олдин кулган кейин қизарар»; «Ўзгада нуқсон кўрсанг, ўзингни бенуқсон дема»; «Кўзни ўз айбингдан олма, ўзгалар айбига кўз солма»; «Киши айбига этак ёп».

Интер-спорт

ЗИДАН СУДДА ЖАВОБ БЕРАДИ

1996-2001 йилларда «Ювентус» футбол клуби шарафини ҳимоя қилган Франция терма жамоасининг етакчи ўйинчиларидан бири Зинедин Зидан Туринда бошланадиган судга таклиф қилинди. Зидан бу ерда ўзининг собиқ клуби бош менеджери Антонио Жираудо билан доктор Рикардо Агриколларга қарши маълумот бериши лозим экан. Клубнинг бу аъзолари 1994 йилнинг сентябридан 1998 йилга қадар футболчиларга допинг беришда айбланмоқда. Судга Зидандан ташқари Роберто Бажо, Филиппо Индзаги, Анжело Перуццилар ҳам таклиф қилинган. Чунки улар ҳам ўз даврида «Ювентус»да тўп суришган. Суд эса 19 декабрга мўлжалланган. Қизиғи шундаки, ана шу давр мобайнида «Ювентус» уч маротаба Италия чемпиони бўлиб, чемпионлар лигаси ғолиблигига эришган. Ҳозирча тўпурарлардан Жанлука Виалли ўша даврда шифокорлар футболчиларга қандайдир дармон-дорилар беришганини эътироф этди.

ЛЕННОКС КЛИЧКОНИ ЧОРЛАРМИКАН?

Англиялик Леннокс Льюис ҳозирча WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони саналади. Унинг собиқ ишбилармонлари эса қаллоблик ва товламачиликда айбланмоқда.

Эслатамиз, Льюис сўнгги жангни шу йилнинг 21 июнь куни Лос-Анжелесда Виталий Кличкога қарши ўтказган. Ўшанда инглиз боксчиси 6-раундда техник нокаутдан кейин ғалабага эришганди. Ҳакамларнинг маълумоти бўйича украиналик боксчи жангга шай бўлишига қарамай, қош-қовоғидан лат егани учун баҳс тўхтатилганди. Кличко яқинда навбатдаги жангни Кирк Жонсон билан ўтказиб, ғалаба қозонди ва Льюисга рўбарў бўлишга ягона даъвогар эканини исботлади. Борди-ю, Льюис бу учрашувдан бош тортса, Кличко Жанубий африкалик Корри Сандерс билан учрашади, Льюис эса чемпионликдан маҳрум бўлади.

«ВАНО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БАҲОЛАШ ТУРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

1. Асосий воситаларни қайта баҳолаш.
2. Кўчмас мулкни баҳолаш.
3. Транспорт воситаларини баҳолаш.
4. Асбоб-ускуналарни баҳолаш.

1) МЧЖ. сотиш учун;
2) гаров учун;
3) низомий жамғарма фонди учун баҳолаш турларини бажаради.
Лицензия № RR 38-015

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳар, Боровский кўчаси, 2, «Ўзбекконинот» агентлиги биноси, 1-қават, 8-, 9-хоналар.
Телефон: 133-97-25, 136-16-59, 131-71-95.
E-mail: baho@sarkor.uz

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2004 йилнинг 9,13,16,20,23,27,30 январь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ипакчи кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,04 гектардан иборат бўлган шкита ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилади. Бошланғич нархи — 656 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар 133-23-40, 133-02-49.